

МИЛЛАТЛАР КАНДАЙ ТАРАККИЙ ЭТАРЛАР?

Миллатлар тараккийига бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби уламо ила агниёнинг хамийят ва гайратларидур. Тараккий килгон ва ё энди тараккий килгувчи миллатлар ахволига диккат килинса, мазкур икки синф мухтарамни ўз миллатларига сўз ва окча ила хидмат этганлари фавран зохир бўлур.

Хар миллатнинг уламози, ахли калами, мутафаккири ўз миллатининг ояндаси учун йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлокининг ислохи учун масжидларда панд ва насихат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан, таълим берарлар, китоб ва газет ила умматни муслихи учун бахс ва муколамалар килурлар.

Тараккий килгувчи миллатларнинг уламози замондин бохабар бўлиб, ўз миллатининг "масолиха замонийя"си учун саъй этар, миллатни пешрафтига окча ила, хайрат ила иона килмокни миллат бойларига таклиф этар, ташвик ва тахрис этар. Хулоса, хар миллатни уламози, ахли калами миллат учун сўйлар, ёзар ва хавоижи миллия ва замонияни ўз миллат мансубасига билдирарлар. Замона агниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда окча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонийча одам тайёрламок учун харакат этарлар.

Хукуматни ўрта ва олий мактабларига ўқийдургон ўз миллат болаларига ионат этарлар. Ва бечора хамжинсларини диний ва дунёвий мактабларига беруб, ўз харажатлари ила ўкутадурлар.

Рус, армани, яхудий ва бошка Русиядаги ватандошларимизни бойлари доимо ўз миллатлари учун катта хайр ва эхсонлар киладурлар, инчунин, Кафкоз, Кирилл, Козондаки мусулмон биродарларимизни бойлари, уламози ва ахли калами, сохиби фикри ўз биродарларига мол, окча, калам ва илм ила кўб иона киладурлар.

Аммо бизни Туркистонда бу ишлардин сўйламокка хануз навбат келган йўк. Хар ким ўз нафъи ва ўз шахсий иши ила саргардон, умумий ёинки диний ва миллий ишларни ояндаси учун, миллатни замона одамларидек тараккий этмоги учун, халойикни ислох

ахлоки учун гам тортувчи ва ҳаракат этгувчи йўқдир.

Бир қарра диққат қилиб, маҳалла-қўй ва қишлоқ халқларига қаралсун. Авомлик, беилмлиқ нақадар қўпайган. Биз мусулмонмиз. Мусулмонлиқга илм лозим, амал лозим. Ўқумок қерак, нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўқ экан, биза юза бир нафар саводлик йўқ?

Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммоллиқда ва гадоилиқда. Бошқа миллат уламосига тобеъ экан, бизни уламо билъакс авомга тобеъдур? Бунинг охири қаробдур. Йигирма, ўттуз сана сўнгра яна ёмонроқ бўлур, мусулмонлик, илм ва одоб ила қоим миллат ахлоқ, фазл ва ҳунар ила боқий қолур.

Бугун ислоҳи мактаб-мадраса, яъни ислоҳи миллатга қўшиш қилинмаса раби аср сўнгра диёнат қарбод бўлур ва анинг қавоби масъулияти бугунгиларга қолур, бу масъулиятдин қутулмоқ учун миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўқумок учун тарғиб қилмоқ қерақдур. Диний илм ва фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасадур.

Дунёвий фанларни ўрни ҳуқумат мактабларидур, иққисига ўқумок учун оқча лозимки, ул оқча қойларни қиссайи қамиятидан қикса қерак.

Қар қамон учун асқоби ислоҳ ва тараккийи ионат бошқарур. Миллатга ионат этмоқ учун, ислоҳи мактаб ва мударрис учун, русий мактабларига бола тайёрламоқ учун, деҳқон ва санъатқорларни ривож бермоқ учун "қамийяти қайрия", "нашри маориф", қироатқоналар, фўндлар, қуружуклар, қаридалар, мажаллалар, нашриётлар... қерақдур. Миллатлар тараккийси шул ила бўлур ва бу ишларга оқча қерақдур, оқча қойларда ва афродда!

Маро ба тақриба маълум шуд қаро қар қор,

Қи қадри мард ба илм аст қадри илм ба мол.

(Маъноси: менга тажрибадан маълум бўлдики, одамда канчалик илм бўлса ҳам илмнинг кадри молдадур).

"Самарканд" газетаси, 1913 йил, 30 июл.